

ҚАРДОШ ҚОЗОҚ-ЎЗБЕК ХАЛҚЛАРНИНГ МЕҲМОНДЎСТЛИК ВА КЕЛИНЛИК ОДОБИГА ДОИР АНЪАНАЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ТАВСИФИ

Шолпан Бухарбаевна Булекбаева

П.ф.ф.д. (PhD), Навои давлат педагогика Институти, чет тиллар факультети
қозоқ тили ва адабиёти фани йўналиши кафедрасининг доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада туркӣ ҳалқлар қаторидаги қозоқ ва ўзбек ҳалқларининг урғодатларидағи умумийлик ва ўзига хоссликлари, уларнинг этнографик, лексикографик тавсифи ҳар томонлама баён этилган. Ҳар икки ҳалқнинг турмуш тарзи, меҳмондўстликка оид этнографизмлар, ўзбек ҳалқи удумларидан фарқли улароқ “Ат тергеу” (келиннинг қуёв томонига тегишла одамларининг исмларини тўғри атамаслиги) каби табунинг элементлари, келин саломнинг қўлланиладиган жойлари ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлилга тортилади

“Бизнинг ҳалқларимиз қадим замондан тинчликда ва муросада, бир бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда яшаб келмоқда. Икки томонлама муносабатларни қўллаб-қувватлашда ва икки ҳалқларнинг янада яқинлашувида мамлакатларимизда яшовчи кўплаб қозоқ ва ўзбек диаспоралари муҳим роль ўйнамоқда, улар учун миллий маданият, тил ва анъаналарини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилган. Миллий-маданий марказлар фаолият олиб бормоқда, ўзбек ва қозоқ тилида таълим берувчи мактаблар ишлайти, қозоқ ва ўзбек тилларида газета ва журналлар чоп этилмоқда. Қозогистондаги олий ўқув муассасаларида 14 мингдан зиёд Ўзбекистонлик талabalар таҳсил олмоқда”, – дея таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.М.Мирзиёев [1,1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ха, жуғрофия бизни яқин қўшни қилиб қўйди, тарих бизни биродарларга айлантириди. Шу сабабли бу иккала миллатнинг турмуш тарзида, тилида, адабиёти ва маданиятида умумий жиҳатлар кўплаб учрайди [8,2958]. Шунингдек, қозоқ ва ўзбек ҳалқининг меҳмондўстлик қадриятларида ҳам умумий жиҳатлари мавжуд. Қозоқ тилида қонақ -қўн феъли билан **-ак** от ясовчи қўшимча орқали ясалган уйга қўниб, ётиб кетадиган меҳмон маъносини англатган. Меҳмон тушунчаси бевосита қут билан боғланган.

ҚУТ – кўп маъноли категория бўлиб, рисқи, насиба, мўл-кўлчилик маъноларини англатади-. Мехмоннинг оёғи қутли бўлишини яхшиликка йўйиб, хонадонга қувонч ато этиб келган меҳмонни қутли меҳмон, *Ақжолтай қонақ* [2,86, 148, 152-б] дея эъзозлаган. *Қырықтың бірі –қыдыр* (Қидир бобо)деб меҳмонга иззат икром кўрсатган. Мехмондўстликка оид “*Қонақ келсе есіктен, ырыс келер тесіктен*», «*Қонақ аз отырады, көп сынайды*», «*Келгенше қонақ ұялады, келген соң қонақ иесі ұялады*», «*Шақырган жерге бар, шақырмаган жерде не бар*», «*Шақырылмаган қонақ сынырылмаган жерде отырады*», «*Жаман үйді қонағы билейді*», «*Қонақ қойдан жуас*» каби қатор мақолларни мисолга келтиришимиз мумкин. Ўзбек халқи ҳам меҳмондўст халқлардан биридир. Жамиятнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамловчи асосий омиллардан бири бу мўмин дўст биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишлари, яъни меҳмоннавозлик. Ўзбек халқи ҳам азалдан меҳмондўст халқ. Таниш-нотаниш меҳмонларга очиқ юзлилиқ билан уйининг тўрини муҳайё қиласи, турли-туман таомлар тайёрлаб, меҳмоннинг қўнглини овлайди .»Мехмонли уй –баракали уй» деган мақол қон-қонимизга сингиб кетган [3,1]. Зиёфат, яъни меҳмоннавозлик ва меҳмон кутиш олийжаноб хулқлардан бўлиб, фозил кишилар бу нарсага қадим-қадимдан бери амал қилиб келадилар. Халқимиз меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шухрат қозонган. Бирор ўзбек хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчиллик билан кутиб олмаган, уйидаги бор неъматларни дастурхонга келтириб тўқмаган бўлса. “*Меҳмон – отангдан улуг*”, “*Меҳмон келар эшикдан, ризқи кирап тешикдан*”, “*Меҳмон олдида ҳатто мушугингни пишиш дема*” каби мақол ва ҳикматлар бежизга айтилмаган. Меҳмон уйга кириб келиши билан қўлларини ёйиб, “*Тинчлик, ҳотиржамлик бўлсин*”, “*Ҳамиша тўйхона бўлсин*”(қозоқ халқида йўқ, овқатдан сўнг фотиха беради) деб фотиха беради.

Мехмондустлик ажойиб ҳислат бўлиб, одамлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳизмат қиласи үзини комил иймонлилардан деб ҳисоблаган ҳар бир киши меҳмонини икром қилмоғи лозим [4, 10-11-б]. Қозоқ халқидаги “*Кенгे кең дуние, тарға тар дуние*”, «*Үйи тар болса да пейілің кең болсын*», «*Бидай наның болмаса да, бидай сөзиң жоқ па еди?*» каби мақол ва иборалари ўзбек халқининг «*Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам меҳру дилинг кенг бўлсин*» деган мақоллари билан маънодош бўлиб турибди, чунки ғоя бир, қадрият ўхшаш, удумларнинг умумийлигидир [4].

Қозоқ халқида: “*Таңғы астан қалдырма, түскі асқа телмірме, кешкі асты бақна* “ деган ибора бор, яъни нонуштани меҳмон билан баъхам кўриш, тушликни кутиб

ишдан қолиб кетмаслик, кечки овқатга қолиб, манзилига ета олмай қолмаслик ҳамда пархез сақлаш масалалари кўзда тутилган. Кейин «*Tұсқі асқа тұстік жерден қонақ келеді*» деб тушликка кутилмаган меҳмон келиб қолиш ихтимолини хисоблаб овқатни кўпроқ тайёрлашни маслаҳат беради. Ҳалқимиз хечқачон уйга келган меҳмонни таъм тотирмасдан кўйиб юбармайди, иккинчи томонидан бу таомнан улуғ нарса йўқ деган қарашларни ва таомни хурмат қилишни билдиради. *Қуыс үйден құр шықпа* деганлариdek, қозоқларда хеч бўлмаганда нондан, ёки еб ўтирган таомдан бир оғиз бўлса ғам таъмtotиради. Ўзбек ҳалқидан фарқли томони бу удум қозоқ этнографиясида

АУЫЗ ТИЮ (ОГИЗ ТЕКИШ) деб аталиб келган киши чочилинч бўлса, нондан бир узим олиб еб кетиш керак[5,203]. Қозоқ ҳалқида меҳмонни қўй сўйиб, унинг калласи ва йиликлари билан сийлайди, меҳмонни имкон қадар яхшилаб кутиб хурсанд қилиб жўнатади. Меҳмоннинг ёши ва қариндошлигига қўра молнинг олти (иккитадан ўн икки) йилигининг ҳам эгаси, сибағаси бор. Буни қозоқ этнографизми терминида

СЫБАҒА дейишади Масалан ёши улуғ катталарга қари йилик, ўрта йилик билан ёмбош, қудага ёмбош, келин ва қуёвга тўш ва қуйимчоқнинг ёнига очиқ йилик, аёлларга тўқман йилик (кўрак меҳмонга тортилмайди бола-чақага бериш мумкин) тортилади. Юраги ва жигарини қиз болаларга ёки ёшларга меҳрибон раҳимдил бўлсин дея берилади. Лекин бўйдоқ қиз-йигитларга қариганча уйида ўтириб қолмасин деб, қари йиликни ушлатмайди. Ёш болаларга бўйи ўсмай қолади деб калта қовуртқани бермайди. Молнинг калласини ёшлар, шу ҳонадоннинг қуёви ва жиани ушламайди ва улар таомга фотиха бермайди. Овқат тортилгандан кейин ёши улуғи «*бисмилла ҳир раҳманир раҳим*» билан таомни бошлаб беради. Катталар бошнинг қулоғи кўзини, ёнидагиларга улуштиради. Овқатдан ёшлар томонга сарқит берилади, ёшлар йўқ емайман, қорним тўқ деб сарқитни рад этса, тарбиясизлик бўлади. Тўқ бўлса ҳам «*Қуллук!*» деб таомдан таъм totатди, келинлар эса ўрнидан турууб эгилиб салом қиласи ва таомдан ейиш керак. Бу ҳолатни қозоқ этнографиясида АСАТУ дейишади[5,216].

АСАТУ – анъанавий овқатланиш маданиятида ёши улуғ, йўли катта одамларнинг ёши кичикларга товоқтаги гўштнинг бўлакларидан там totтириб илтифотини билдирадиган этик расм-русл. [5,215]. Қозоқ-ўзбек этнографиясидаги фарқли жиҳатлардан бири – ўзбек ҳалқида “СИБАҒА” «ОШАТИШ» удуми учрамайди. Аммо илгари, айниқса, ярим кўчманчи ўзбекларда' узоқ сақлашга мўлжалланган қовурдокдан ташқари қази-карта, қурт каби таомлар

тайёрланиб меҳмонга тортган. Асосий меҳмон таоми ош, яъни палов, норин сих кабоб, қийма кабоб, чўпон кабоб, ҳасип кабоб, буғлама кабоб, тандир кабоб, чарви кабоб, жигар кабоб, суюқ овқат гуруч, мош, ловия, нўхат, маккажӯхори, оқ жўхори кабй донлардан, буғдой ва жўхори уни хамиридан, кабилар ва б. Даشت қипчоқ ўзбекларининг бир қисмида ҳозиргача меҳмонга қўйининг калласи, оёқ ва ичак-чавоқларини пишириб олдига қўядилар.[7,165-б]. Хар иккала ҳалқда ҳам таом еб бўлгандан кейин ёши улуғи қўлини ёйиб, фотиҳа беради.

БАТА – (ФОТИҲА) катталарнинг ёш авлодга эзгу нияту тилаклари қамралган дуолардан биридир. У дастурхонга ва ейилган таомга, каллага, сафарга отланмоқчи бўлган йўловчига, узатиладиган қизга бир ишни бошлиётан талабгорга ва.б. ёши улуғ катталар томонидан берилади, ёшлар эса, “*Амин! Амин!*”! дея фотиҳани қабул қиласи. Қозоқ ҳалқида эса албатта каллага аётлар ўқилиб, арвоқларга қуръон бағишлилади, ундан кейин албатта ёш болалардан биттаси қумғон ва шлавшин, эгнида сочиғи билан кириб, меҳмоннинг ёши каттасидан бошлаб, қўлларига сув қўйиб чиқади, катталар унга “*Барака топинг*”, “*Бахтли бўлинг*”, “*Умр ёшингиз узоқ бўлсин*” дея миннатдорчилик билан дуо қиласи.

Дастурхонда ҳар қандай таом бўлишидан қатъий назар, ҳар икки ҳалқда ҳам албатта, бир жуфт ёки икки жуфт нон қўйилиши шарт. Қозоқ ҳалқида “*Ас атасы –нан*”, ўзбек тилида “*Ноннинг ушоги ҳам нон*” каби мақоллар билан қатор “*Нонни дастурхонга тескари қўйма*”, *Нонни бир қўл билан ўзма*”, *Нонни ўнг қўлинг билан синдир*”, “*Нонга пичоқ санчима*”, “*Нонни бир нарса билан санчиб олиб ема*”! каби қатор тарбиявий таъқиқловчи сўзлар фойдаланилади. Илгарилари ҳатто “*Нон урсин!*” дея нонга қасамёд қилиш қозоқ ва ўзбек ҳалқининг иккаласида ҳам удумлардан бирига айланганлар. Нонни эъзозлаш бу иккала ҳалқнингдан ҳам кузатиш мумкин.

“НОН СИНДИРИШ” маросими – ўзбекларда куда томонга (келинникига) 3-5 киши (куёвнинг яқин кишилари)дан иборат таркибда патир нон, холва ва бошқа шириналар билан борилади. Ушбу маросимда иккала тараф вакиллари иштирокида устма-уст турган бутун нонлар teng ўртасидан иккига бўлиб ушатилади ва ҳар иккала тарафга бирдек (холва ва шириналар) тақсимланади[7,3]

Мехмондўст ҳалқ учун меҳмон бўлиш учун ҳам, меҳмон кутиб мезбон бўлиш учун ҳам баҳона кўп. Қозоқ ҳалқида ёқ суяги қичиса ҳам бир жойда меҳмон бўйириб турмикин дея йирим қиласи. Қозоқ, ўзбек ҳалқи табиатан тўйчил ҳалқ. Ҳозирда қозоқ

халқида юқоридаги “Нон синдириши” маросими “Сирға солиши”(илгарилари “Румол тортиши” деб ҳам аталар эди) маросими билан алмашган, лекин маросимда худди юқоридагидек Нон синдирилади, фотиха қилинади.Күпинча бу маросим қозқоларда “АТАСТЫРУ» деб номланади.

“АТАСТЫРУ» - қадимда қозоқ жамоасидан ўрин олган якка ойлавий анъана, ўғил билан қизнинг ота-оналарининг қўдо бўлишга келишуви, ваъдалашуви, яъни ота-оналарнинг ваъдалашуви фотиха йўли билан тасдиқланиб, қиз билан ўғил аташтирилган ҳисобланади[5,252]. Ўзбек халқида ҳам бу жараён «УНАШТИРИШ» деб аталади. Бу, жараён қозоқ халқида «Шаш сипатар», «Қыз көрсетер», «Қыз қашырар», ўзбекларда эса “Оёқ босди”, “Чимилдиқда кўзгуга боқиши” “Келинга аталганларни бериш” қатор удумла билан давом этади. Демак:

ШАШ СИПАТАР – қиз янгалари қуёв йигитдан қайнисинглисининг сочини силатиб, қўрманак олиши.

«ҚЫЗ КӨРСЕТЕР» -қалинлигини опкетишга келган қуёв тўрага янгалари қизни кўрсатмасдан ноз қилиб, қизни кўрсатиш ҳаққини ўндириб олади.

«ҚЫЗ ҚАШЫРАР» - қизни қалинлик ўйнаб келган йигитдан узоққа олиб кетиб, етиб олса қизни қочириб юбариш шарти билан ёшлар орасида ўйналадиган ўйин тури[6, 58].

«ОЁҚ БОСДИ” –йигит қизни опкетишга келганда, чимилдиқта ўтказиладиган удумлардан. Бундай пайтда одатда қуёвлар келиннинг оёғини астагина босиб қўйишади ва даст кўтарганча чимилдиққа олиб кириб кетишади. [7,4]

“ЧИМИЛДИҚДА КЎЗГУГА БОҚИШ” Келин чимилдиққа киргандан кейин янги сотиб олинган, лекин хали ҳеч ким боқмаган, ўраб қўйилган кўзгуни ёши кекса момолардан бири очиб, келин-куёвга тутади. “Хаётларинг ойнадек тиник бўлсин, кўз очиб кўрганинг билан қўша қаринглар”, дея, келин-куёвлар атрофидан ёқилган шам айлантирилади. Сўнгра исириқ тутатилиб, уларга новвот чой ичирилади. Чимилдиқ атрофифа ўтирган барча аёллар келин-куёв ичган новвот чойдан яхши ниятлар билан ичадилар. (Қозоқ халқида эса *новвот сув* кудага қўшнининг уйидан опкелтирилади) [6,5]

“КЕЛИНГА АТАЛГАНЛАРНИ БЕРИШ” –бу маросим давомида кекса момолар қуёвнинг онасини чақирадилар ва келин чимилдиққа киргач, ўтирмаётганини, қайнонасининг унга аталганларни “беришини” айтадилар. Шунда қуёвнинг онаси уй-жойини, агар ховли, боғ-роғи бўлса, шуларни, қўй-қўзиси ва чорваси бўлса, уларни ҳам беришини айтади. Момолар эса келин барибир

ўтирмаётганини айтишади. Шунда қайнона ўғлини шунча йиллар давомида оқ ювиб, оқ тараб катта қилганини, эндиликда уни келинга ишониб топширишини айтади. Кейин “Келин салом”, “қозоқ халқида “Беташар”, “Никоҳ тўйи” маросими билан давом этади. Ўзбек халқида тўйдан кейин “Чимилдиқ йифиш” маросими ҳам меҳмондорчилик билан ўтказилади. Бу удум қозоқ халқида йўқ, лекин чимилдиқ келин фарзандли бўлгунча туради, кейин ўзлари йифишириб қўяди. Лекин қозоқ халқида келиннинг бўйида бўлишини сезиши билан қайнонаси “Қарын той” маросимини ўтказиб бериши, меҳмондорчиликнинг яна бир наъмунасидир. Фарзанд дунёга келса ўзбек халқида бешик тўй, қозоқ халқида “Шілдехана”, хуллас меҳмондўст қозоқ ва ўзбек халқининг дастурхони ҳар хил урф-одатлар баҳона йигилмаган. Яна бир эътиборга молик урф-одатларимиздан бири – келиннинг салом қилиши[6,6].

СӨЛЕМ САЛУ –барча меҳмонларга, келиннинг қуёв томонидаги катта- кичик барча вакилларига Беташардан (тўй қунги келин саломдан) бошлаб бир умр эгилиб салом қилиши. Эътиборли жиҳати шундаки, ўзбек халқида янги келин 2-3 кунгачагтна қуёв томоннинг катта-кичик барча вакилларига, эрига ҳам салом қиласи. Қозоқ урфида эрига салом солинмайди ва ўзининг яқин қариндошларига, уруғдошларига салом солинмайди(“Султон суюгини ҳорламас” деб ўз яқинларига салом солишни таъкиқлаган). Аммо ўзбек удумидан фарқли томони –қозоқ келини қайнин юртининг катта-кичик барчасига бир умр эгилиб салом қиласи. Уйда қайнона, қайнотага, қайнопа, қайнака, қайнинука, қайнисингил – барчасига бир умр ҳар куни эрталаб эгилиб бир марта салом қиласи (қазақша:сөлем салу). Ўзбек урф-одатида учрамайдиган қозоқ халқидаги яна бир урф –бу келиннинг қайнин юртига тегишли вакилларнинг исмларини умуман атамаслиги, бошқа исм қўйиши.

АТ ТЕРГЕУ –қадимий қозоқ турмушида аёлларнинг қайнин юртининг вакиллари ва дунёдан ўтиб кетган аждодларининг исмларини тўғри атамасдан, ишора қилиб аташ одати. Шунингдек қиз олишиб- қиз беришмайдиган қавмнинг уруғларининг катта вакилларидан бошлаб, ўзи келин бўлиб тушгунга қадар туғилган болаларгача номини тўғри атамаган. Аниқроғи бу табунинг бир тури[5,242]. Ат тергеу –туркий халқларнинг ичиди қозоқ, қорақалпоқ миллатларида ҳалигача сақланиб қолинган. Аммо жамият ривожланиб, замон янгиланиши туфайли ат тергеу удуми Қозогистоннинг кўп жойларида қўлланишдан чиқиб қолган. Қозогистонда йўқолиб бораётган бу урф-одат Ўзбекистон (Навоий, Бухоро, Тошкент вилояти в.б.) қозоқларининг урф-одатларида қайнин юртга хурмат-иззат рамзи, ўсиб-ўнишига нажот, қолаверса ўвол бўлади деган

ишонч тариқасида бу кунгача қатый сақланиб қолган ва кундан кунга замонвий тус олиб келмоқда. Демак, келин қайнотасини ҳамиша ота, қайнонасини –ене, қайнакасини ёшига кўра қайнаға ёки аға, қайнопасини ёшига кўра опа ёки апше, қайнукаларини *Молда жігіт*, *Сылқым жігіт*, *Темелес*, *Енилес*, *Әкежсан*, *Төрем*, *Төре жігіт*, *Мырза жігіт*, *Мырзага*, *Айдарлым*, *Кішкенем*, *шырақ*, *Ақжігіт*, *Нұржігіт*, *Ержігіт*, *Серіжігіт*, *Төрежсан*, *Бижігіт*, *Ортаниым*, *Байжігіт* в.б. қайнисингилларини эса *Бойжеткен*, *Ерке кыз*, *Еркем*, *Еркежсан*, *Ақерке*, *Аппағай*, *Аппағым*, *Бөпежсан*, *Тұлымым*, *Моншақ*, *Көркем*, *Ақмоншақ*, *Қарагөз*, *Ботагөз*, *Аяғөз*, *Қызығалдақ*, *Балым*, *Аққызы*, *Ақғүл*, *Арайлым*, *Шырайлым*, *Сұлу т. б.* Шунингдек, ягалари қайнука ва қайнисиншиллари билан ҳазили борлигидан фойдаланиб, уларнинг исмларининг синонимларини, антонимларини ёки русчалаштириб ва бошқа усулларда ишора қилиб отларини ўзgartириб қўйиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Масалан қайнукаси қора бўлса Ақжигит, кичкина бўлса дауийгит, идорада ишласа, *Раис бола*, ўқитувчи бўлса *Муаллим бола*, шофер бўлса *Шофер йигит* деб аташади. Агар исми Ақин бўлса ўзбекчасига Шоирдеб, ёки қўшиқчи бўлса, Водий, баъзида масалан, Адилхан бўлса, Адольфо, Жанарис бўлса Жонрос деб, Мухтар бўлса Миша, Нурлан бўлса, Нурик, Қиз болларни Қарлиғаш бўлса, Ласточка ёки Катя, Алтин бўлса, Золушка агар ўз исми Малика бўлса, унинг қозоқча атамаси билан Ханшайим(буларнинг кўпчилиги ўзимизнинг келинлик тажрибамиздан) қисқаси ўз исмини атаб ранжитиб олмасликка ҳаракат қиласди. Шунингдек, қайнин юрт вакилларининг исми кетадиган оддий сўзларни ҳам қозоқ келини ўзgartириб айтиш керак, чунки қайнин юртнинг, айниқса, ёши улуғ катта вакилларининг – қайнотасининг, катта бобосининг, қайнонасининг ва бошқа исмлари кетиб қолса, ҳурматсизлик бўлади. Масалан, катта бобосининг исми Пардабой бўлса, келин деразанинг пардасини бошқача аташ керак(масалан биз «тутима» деймиз, Қайнин юртга яқинлиги йўқ Пардагул исмли қизларни ҳам имкон қадар тўғри атамасдан «Тутимагул»деб атаемиз). Уларнинг номига аташ бошқа кишиларнинг номини ҳам аташ таъқиқланади. Масалан қайнонасининг исмидек бошқа кишини, ёки географик атамаларни буриб айтиши керак.(Масалан қайнонаси Оразгул бўлса ораза ойини ромозон ёки рўза, Оразжан овулини олдинги овулдеб, қисқаси айтиб қўймаслик керак) Қудук номи эрининг бобосининг номида бўлса, Бобомқудук, кўлнинг номи ўхшаш келса, Отам кўл деб буриб атаемиз. Расмиятчилик ҳолатларида

ҳам қозоқ келини ўз боласининг фамилиясини айтишдан ийманиб, хужжатнинг ўзини кўрсатади, ўқитувчи ёки раҳбар бўлса ҳам уларнинг фамилиясини атамасликнинг суфогина йўлларини қараштиради. Бу урф қозоқ халқида қайнин юрга деган чуқур иззат-икромнинг рамзи сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, биз мазкур мақолада қозоқ ва ўзбек халқларининг айрим урф-одатдарининг этнографик тавсифига тўхтадлик холос. Ушбу икки халқнинг тарихий, маданий, адабий, этник яқинликлари юзасидан ўрганишга, изланиб тадқиқ қилишга тотувгилик масалалар жуда кўп [9,110]. Ҳамда бундай долзарб масалани таҳлил қилиш, уни авлодлар онгига етказиш – аждодларимиздан қолган умумий меросини эъзозлашда, уларнинг тарбиявий жихатларидан ибрат олишда муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

- 1.Ш.М.Мирзиёев. Қозогистон бизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкоримиз. Тошкент: 2022 . (Ш.Мирзиёевнинг Қозогистон Республикасига хизмат сафарида сўзлаган нутқидан) 2. Қазақтың этнографиялық категориялар, ұғымдар мен атауларының дәстүрлі жүйесі.Энциклопедия.3-том -Алматы: РПК «СЛОН»2012. -652 б.
- 3.Жабборов Исо. Узбек халқи этнографияси {Масъул мухаррир: Т, ; Ўқи т у в ч , 1994.- 320 б. 4. Ахмедов Нарзулло, Мир Араб мадрасаси мударриси, Муаллиф islom.uz
5. Исмоилов Одилхон. Тошкент шаҳри "Шайх Зайнiddин" жомеъ масжиди имоми хотиби, Муаллиф islom.uz.
6. Қазақтың этнографиялық категориялар, ұғымдар мен атауларының дәстүрлі жүйесі. Энциклопедия.1-том -Алматы: РПК «СЛОН»2012. -732 б.
7. Жиззах вилояти ҳокимлиги» Урф-одат ва анъаналар. 2016.
8. Ibragimova Q. B. Learning Of Linguistics Terms (In The Example Of Uzbek And Kazakh Languages) //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 8. – С. 2958-2969.
9. Кодирова, Б. (2020). Сравнительный анализ фонетических терминов узбекского и каракалпакского языков. *Иностранный филология: язык, литература, образование*, (3 (76)), 110-116.